

## Ги Де Мопассан Ва Абдулла Қаҳҳор Асарларида Аёл Рухиятини Ифодалашда Миллий Ўзига Хосликлар

*Жаббарова Малоҳат Хамдамовна<sup>1</sup>, Ражабова Зулфизар<sup>2</sup>*

**Кириш.** Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошланган маънавий тикланиш жараёни ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти контекстида қиёсий ўрганишни тақозо этади. Шу орқали жаҳон ва ўзбек адиблари ижодидаги умуминсоний ғоялар талқинига хос типологик хусусиятлар чуқур очиб берилади. Қолаверса, мамлакатимизда “Ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш”да<sup>2</sup> адабиётнинг роли юксак бўлиб келган. Шу жиҳатдан адабиётда аёллар образининг акс эттирилиши, генезиси, семантикаси ва поэтикасига алоқадор хусусиятларни аниқлаш ҳам бадиий матн таҳлилига доир ёшлар билимини янада чуқурлаштиради, миллий ғояларни теран идрок этишга ундайди. Бу каби муҳим илмий вазифаларнинг ҳал қилиниши назарий ва амалий адабиётшунослик уфқларини кенгайтиради.

Ўзбек адабиётида оқсоч қиз эмас, оқсоч хизматкор аёл образи учрайди. Чўри қиз унинг варианты сифатида келади. “Оқсоч” деганда, биринчидан, бойлар, зодагонлар оиласида ёлланиб хизмат қилувчи аёл, хизматкор аёл чўри тушунилади. Масалан, А.Мухторнинг “Опа-сингиллар” романида “Холнисонинг онаси Ёрмозор қишлоқли бир бойнинг эшигида оқсоч эди” дейилади.

Француз адиби Ги де Мопассон ҳикояларидан бири “Оқсоч қиз саргузашти” деб номланган бўлиб, унда француз зодагонларига маиший ҳаётида хизмат кўрсатадиган оқсочлар ҳаёти тасвирланган. Бу қизнинг исми Роза бўлиб, у ошхонада фермадаги одамлар овқатланиб бўлгач, ҳаммаёқни йиғиштирар, столни артар, идиш-товоқ ювар, ўчоқнинг қулини олар, ликопларни ошхонанинг бурчагида чиқ-чиқ қилиб турган катта ёғоч соат ёнидаги тахтага териб қўярди.

Ҳикояда қизнинг шу ишларни қилиб бўлгач, “уф” деб қўйиши, бир оз ланж, кўнгли нечукдир ғаш экани айтилган.

Қолаверса, унинг яшаш жойи ҳам кўнгилсиз эди: “Ошхонанинг очик турган эшигидан оғилнинг ҳиди ва отхонадан буғланиб кўтарилаётган қўланса ҳид кириб турарди. Ошхонанинг деворлари қорайиб кетган, шифтнинг тўсинларини қурум босган, ундан ўргимчак уялари, қоқ балиқлар, пиёз боғламлари осилиб тушган эди. Қачонлардан бери ошхонанинг чикитлари тўкилавериби, қасмоқ боғлаб кетган ердан иссиқ кунда буғланиб чиқаётган ўткир ҳиддан қизнинг кўнгли беҳузур бўлиб кетганди. Бунга нариги салқинроқ хужрада турган сутнинг чучмал ўткир ҳиди ҳам қўшилиб турарди.

Ҳикоянинг шу ўрнида қуйидагича ажойиб бир рамзий тасвир келтирилган: “Товуқлар гўннга бағрини бериб роҳатланиб ётар ва қурт-қумурсқа излаб, бир оёғи билан гўнгни сал титкиларди. Буларнинг орасида гердайиб хўроз юрарди. У минут сайин бир товуқни кўз остига олар ва астагина кукулаб унинг атрофида айланарди. Товуқ эринибгина ўрнидан турар ва оёқларини эгиб қанотларини ёйиб унга таслим бўлар, сўнг патларини силкитиб чангини қоқар, яна гўннга бағрини берар, хўроз эса ўз ғалабасидан дарак бериб қичқирар, бошқа ҳовлилардаги хўрозлар ҳам бир-бирларига севги нидосини йўллаётгандек қичқиритиб жавоб қайтаришарди.

<sup>1</sup> Бухоро давлат университети француз филологияси кафедраси катта ўқитувчиси, m\_jabbarova@mail.ru

<sup>2</sup> БухДу талабаси

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлари Форумида сўзлаган нутқидан. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. – Тошкент: Тасвир нашриёт уйи, 2021. – Б.52



Бу парча тематик-психологик параллелизмга мисол бўлиб, кейинги воқеаларга “эшик” вазифасини ўтаган. У орқали “оқсоч қизнинг ҳали интим туйғуларга дуч келмагани, жинсий ҳаётни тушунмаслигини билдирилади. Шунинг учун ҳикояда унинг товуклар ва хўроз муносабатларига анграйиб қараб ўтиргани алоҳида таъкидланади. Шундан кейинги парча эса унинг асар сюжети давомида “болали” бўлиб қолишига ишора қилади. Бунда адиб олма деталдан “бола” рамзини англантиш учун фойдаланганки, бу умумжаҳон бадий адабиётм анъанаси сифатида эътиборни тортади. Масалан: “Кейин бошини кўтариб, упа сепилган ясама сочдек оппоқ бўлиб гуллаб ётган олмани кўриб тонг қолди”.

Ҳикоя давомида келтирилган қуйидаги мотив қизни йўлдан урган йигит тимсолига ишорадир: “Бехосдан асов тойчоқ қизнинг ёнидан ўйноқлаганича чопиб кетди”.

Қуйидаги парчалар қизнинг ҳам йигитга бевосита ўзи майл билдирганини айтиш учун келтирилган: “Қизнинг ҳам югургиси, ўйнагиси... келди. Кўзларини юмган ҳолда роҳат қилиб истар-истамас бир неча қадам қўйди, кейин тухум олиб келгани аста товукхонага кетди. Товукхонада ўн учта тухум бор экан, уларни уйга олиб борди-да, жавонга қўйди”.

Ушбу парчада тухум ва уларнинг ўн учта эканини таъкидлаш ҳам бежиз эмас. Кўпгина европаликлар учун “ўн уч” бахтсиз рақам ҳисобланади. Бу билан қизни бахтсизлик кутаётганига ишора қилинмоқда.

Қизни йигит уйкусида пайт ғафлатда қолдириб, тузоғига илинтиради: “Энди кўзи илинганда кимдир тўсатдан икки қўллаб кўкрагига чанг солди. Қиз ирғиб ўрнидан турди. Бу, мана шу фермада ишлаб юрадиган, қадди-қомати келишган пикардиялик Жак деган новча йигит бўлиб, кўпдан бери шу қизнинг пайига тушиб юрганди. Бугун қўйхонада қолиб қўйларга қарамокда эди, қизнинг сояга бориб ётганини кўриб дамани чиқармай аста ёнига борди; унииг кўзлари ўйнаб кетган, сочларига сомонлар илашган эди”.

Аммо кучда йигитдан қолишмайдиган қиз яхшилаб бир тарсаки урди. Йигит айёрлик қилиб, қиздан узр сўради. Иккалови ёнма-ён ўтириб сўзлаша кетишди. Улар деҳқончилик учун яхши келган об-ҳаво, бу йил яхши ҳосил бўлгани, ўз хўжайинларининг яхши одамлиги, сўнг, қўни-қўшнилари ва бутун округ тўғрисида, ундан кейин ўзлари, туғилган қишлоқлари ҳақида сўзлашди; ёшлик чоқларини, кўп йилларга, балки абадий ташлаб келган ота-оналарини эслашди. Айниқса, ота-она ҳақидаги хотиралардан қизнинг кўнгли бузилиб кетиб, йигитга ўзини яқин туттади.

Йигит бундан фойдаланмоқчи бўлганида қиз уни уриб, бурнини қонатади. Шундан сўнг йигит барваста ва бақувват қизга ҳавас билан, ҳурмат сақлаб, бутунлай бошқача, ҳақиқий севги назари билан боқади.

Қиз йигитга “Жак, мени иззат қилмаганинг ёмон-да” дейди. Йигит қизни “сени оламан” деб алдайди. Кейин у аста-секин совий бошлайди; қиз билан учрашишдан, гаплашишдан қочадиган ва қиз билан ёлғиз қолгани қулай пайт ҳам изламайдиган бўлиб қолди. Шунда қиз шубҳаланиб кўя бошлади, бир неча вақтдан сўнг ҳомиладор бўлиб қолганини билди.

Бошида қиз жуда кўрқиб кетди. Кейин кундан-кун ғазаби орта борди, негаки йигит унга дуч келишдан ўзини шунчалик эҳтиёт қилардики, қиз у билан сўзлашишнинг асти иложини тополмасди.

Бир куни йигит қизга рўй-рост: “Кўйсанг-чи, киши ҳар бир юрган қизини олаверадими?” дейди. Буни эшитиб ғазабланган қиз йигитнинг бўғзидан олиб, уни йиқитиб, ўзининг ҳомиладорлигини айтади. Энди қиз қуруқ ваъдага ишонмас эди. Йигитдан кейинга сурмасликни, эртагаёқ уйланишини маълум қилишга онт ичишини талаб қилади. Бирок субутсиз йигит қочиб кетади.

Бу ҳикоя икки қисмдан иборат. Иккинчи қисмда қизга ҳаётнинг турган-битгани азобга айланади. У ҳамиша билиб қолишса, ишдан ҳайдалишини эслаб чўчирди. Шунинг учун ҳолатини сездирмаслик мақсадида “машина сингари ишларди”.



Ёзувчи кизнинг рухий ҳолатини шундай тасвирлайди: “Эрталаб у ҳаммадан олдин туриб, соч тараганда қарайдиган синиқ ойначага белини солиб, жуда диққат билан қарар ва бугун билиб қолишмасмикан, деб бош қотирарди. Кундузлари у дам-бадам ишини қўяр ва фартук тагидан билиниб турмаганмикин, деб тўлишиб қолган қорнига қараб-қараб қўярди. Ойлар ўтди, қиз ҳеч сўзлашмайдиган бўлиб қолди. Биров гапирса тушунмай, қўллари бушашиб, ўзини йўқотиб қўярди”.

Бир куни эрталаб почтальон қизга хат келтириб беради. Қиз хатни ўша ўзини алдаб қочиб кетган йигитдан деб ўйлайди, чунки қиз саводсиз бўлади.

Хат ўлим тўшагида ётган онасидан эди. Қизи келган куни онаси узилади. Эртасига эрталаб Роза, киши кўрса қути учадиган даражада озғин, етти ойлиқ ирванди бола туғади. Қиз уйдагиларга эрга текканман, лекин ҳозир болани олиб борар жойим йўқ деб, қўшнисига ташлаб кетади. Улар, ўзимиз боқиб берамиз, дейишади.

Фермага қайтиб келган аламзада қиз кўнглида уйга ташлаб келган нимжон маҳлуққа нисбатан шу дамгача ўзига номаълум янги бир меҳр пайдо бўлган эди. Бу меҳр боладан йироқда бўлганлиги учун ҳар соат, ҳар дақиқа кўнглидан нари кетмайдиган янги бир изтироб манбаига айланади. Унга айниқса азоб берадиган нарса боласини эркалаш, бағрига босиш, унинг иссиқ вужудини қучоғига олиш истаги эди. Кечалари кўзига уйқу келмас, кундузлар хаёлидан бола нари кетмас эди, кечкурунлари бўлса барча ишлардан бўшагач, ўчоқ ёнида алангага тикилганича хаёли узоқларга қочган одам сингари ўтирарди.

Фермадагилар унинг ҳақида сўзлаша бошлади, ҳазил қилиб ундан «жазманини», унинг хуснини, бўй-бастини, бойлигини сўрашар ва тўй қачон, бешик тўйига бизни ҳам айтасизми, дейишарди. Қиз эса кўпинча қочиб кетар ва пана жойга бориб йиғларди, чунки бу саволлар унга игна каби санчиларди.

Қиз шу гап-сўзлардан нарироқ туриш учун жон-жаҳди билан ишга ёпишар, ҳар дақиқада боласини ўйлар ва қандоқ қилиб кўпроқ пул орттириш устида бош қотирарди.

Қиз, шундай ишлаш керакки, хўжайин ойликни оширсин, деган қарорга келади. У аста-секин бутун уй ишини ўз қўлига олади. Иккинчи оқсочни сиқиб чиқаради, чунки бир ўзи икки кишининг ишини қилганидан кейин униси ортиқчалик қилиб қолди. Қиз нонни, ёғни, шамни, худ-беҳудага товукларга сепиладиган донни, исроф қилиб, молларга бериладиган ем-хашакни, ҳамма нарсани тежай бошлади. Хўжайиннинг пулини ўз пулидай эҳтиётлар, бозорга борганида фойда томонини кўзлар, фермадан чиқариб нарсаларни қимматга сотиб, деҳқонларни авраб, улар келтирган нарсани арзон олишга тиришарди, шунинг учун ҳам ферманинг бутун савдо-сотиғи, хизматчиларни ишлатиш, омборларнинг калити, ҳаммаси унга топширилди; ҳадемай ўрнини биров босолмайдиган, ҳамма нарсага кўз-қулоқ бўлиб турадиган бўлиб қолди, унинг эҳтиёткорлиги орқасида ферма гуллаб кетди. Теварак-атрофга «Валлен фермасидаги хизматчи кизнинг» таърифи кетди. Хужайиннинг ўзи ҳам ҳар ерда сўзларкан: «Қиз эмас, соф олтин» дерди.

Вақт шу таҳлитда ўтар, лекин ойлик ошмас эди. Бола саккиз ойлик бўлиб қолганда қиз уни бориб кўриб келади. Боласи уни танимай, энагасини кўргач, қўлларини чўзиб унга қараб толпинаётганини кўриб, аёл йиғлаб юборади.

Аёл боласига кўнгили сирларини очар, унга ўзининг азоб-уқубатлари, тортган ташвишлари, хаяжонли, умидларини айтарди ва қаттиқ эркалатишлари билан боланинг жонига тегарди.

Болани бағрига босиш, чумилтириш, кийинтиришлар унинг учун бениҳоят шодлик бахш этарди; ҳатто бола булғатиб қўйган нарсаларни ювиш, тозалаш ҳам унинг учун қатта бахт бўлиб, гўё бу хилдаги ишлар унинг оналик ҳуқуқини тасдиқларди. У болага боқаркан, шу ўзининг боласи эканлигига ҳайрон бўлар ва уни тебратаркан секин-секин: “Ўзимнинг ўғилчам, ўзимнинг ўғилчам!” деб такрорларди.

Қиз қайтишда йўл бўйи йиғлаб кетди; фермага келиши биланоқ норғил, қирқ бешларга кирган,



хушчакчак, тиришқок, иккита хотини ўлган табиатан ҳеч хижолат бўлмайдиган хўжайини уни чақиртиради ва уйланиш таклифини билдиради. У қизга: “Сен яхши қизсан, эс-хушинг ҳам жойида, меҳнатқаш, тежаб-тергайдиган қизсан. Сен сингари хотиннинг турган-битгани – хазина”, – дейди.

Қиз рад жавоб айтгач, фермер ҳайрон бўлади. У оқсоч қизнинг бу таклифга кўнишига шубҳа қилмасди, чунки бу таклиф қиз учун мақтанарлик, ўзи учун эса жуда фойдали, негаки округдаги баҳрибисотлик қизлардан ҳам кўпроқ фойда келтирадиган хотинга эга бўларди. Қиз рози бўлавермагач, хўжайини унга зўрлаб уйланади.

Оқсоч қизлар кўпинча бекага айланар, лекин бунинг орқасида на уларнинг ҳаёти, на урф-одати ўзгарарди. Роза ҳаётида ҳам шундай бўлади.

Оқсоч ҳомиладор бўлавермагач, хўжайини асабий бўлиб қолади. Бир куни кўшни болага ёмон гапирган хотинига: “Агар шу бола ўз ўғлинг бўлганда бундақа муомала қилмас эдинг” дея дакки беради. Шу тариқа эри оқсоч туғавермагач, унга овқат маҳалида сўзламас, қарамас, худди хотинини ёқтирмагандай, ундан жиркангандай, бирор нарсани пайқагандай кўринарди. Буларнинг бариға фарзандсизлик сабаб эди. Эри оқсочга: “Сигир туғмаса, ишдан чикқан бўлади. Туғмаганидан кейин хотин киши ҳам ишдан чикқан бўлади-да”, – дейди. Бу гапдан сўнг хотин ўпкасини тутолмай йиғлайди. Шу кундан бошлаб унинг фикр-ёди бола туғиш, яна битта бола туғиш бўлиб қолади; кўринганга ўз дардини айтадиган бўлади.

Кўшниларида бир хотин унга, ҳар кун кечкурун бир пиёла сувга бир чимдим кул солиб эрига ичиришни буюрди. Фермер жон деб кўнади, лекин бу нарса фойда бермади.

Улар: «Балки, бирон махфий чораси бордир», деб ўйлаб, дараклай бошлашади. Фермадан ўн чақирим нарида яшайдиган чўпоннинг дарагини айтишади. Валлен амаки отга миниб ҳалигидан маслаҳат сўрагани кетади. Чўпон унга қандайдир кўкат кўшиб пиширилган ноннинг юзига чизиклар чизиб беради ва эр-хотин ётар олдидан ва тургандан кейин бир бурдадан есинлар, деб буюради. Нонни ушқларигача кўймай ейишса-да, бу ҳам фойда бермайди.

Бир муаллим уларга қишлоқлилар билмайдиган, лекин албатта наф қиладиган йўл-йуриқ кўрсатади. Бўлмайди. Кюре уларга Фекан зиёратгоҳига бориб “тоза қон”га сиғинишларини маслаҳат беради.

Ҳаммаси беҳуда бўлади. Шунда Роза, бу менинг биринчи гуноҳим учун бернлаётган жазо бўлса керак деб ўйлайди ва умидини узади.

Хотин ҳасрат-надоматдан сўла бошлайди, эри ҳам беҳуда умидлар орқасида анча озиб, қариб қолади. Бора-бора эр-хотин орасида душманлик ўти ёнади. Эр хотинини уришар ва урар, кунбўйи хотинининг жиғига тегиб, тунбўйи тўшақда ғазабига чидолмай ҳақорат қиларди. Ҳатто у бир куни кечаси, қандоқ қилиб хотинининг жонига қаттиқроқ тегишни билмай, хотинига ўрнидан туриб, тонг отгунча ҳовлида, ёмғирда туришни буюради. Бу азоблар жонига теккан оқсоч олти яшар боласи борлигини айтиб кўяди. Бу гапдан сўнг бефарзандсизликка ўзи сабабчи эканини англаган эр: “Ҳамон ўзимизда бола бўлмаганидан кейин, бориб уни, сенинг болангни олиб келайлик. Мен биронта бола асраб олсаммикин, деб юрган эдим, мана ўзи топилиб қолди, ўзи топилди, мен Кюредан биронта кўзлаб юрган етим боланг йўқми деб сўраган эдим”, – дейди. Шундай деб, эр йиғидан бўртган ва жинни бўлаётган хотинини ўпа бошлайди. У ёқдан-бу ёққа юрар ва суюнчи ичига сигмай, қайта-қайта: “Худо ҳақи, хурсандман, тўғриси, жуда хурсанд бўлдим, жуда хурсандман” – деб айтади.

Худди юқоридаги каби эрнинг хотинни хизматкорлик учун танлаши мотиви Абдулла Қаҳҳорнинг “Кўшчинор чироқлари” романида ҳам учрайди. Романда “ҳикоя ичида ҳикоя” усулида келтирилган парчада айтилишича, бир элликбоши бир аёлга совчи устига совчи кўяди. “У аёл шунчалик чиройли эдими?” дейишса, эс-хуши жойида, қадди-қомати келишган, тан-жони соғ, куч десангиз битта ман-ман деган йигитнинг ишини баҳузур қиладиган хотин эди-да. Элликбоши унинг хуснига маҳлиё бўлипти дейсизмн, унга беминнат хизматкор керак...”, – дейди.



Шунда аёл: “Майли, тегсам тега қолай, лекин бир шартим бор: шартим шуки, мен қизимни ўгай отанинг уйига олиб бормайман, отасидан қолган ҳовлини сотиб, шунинг пули билан бирон қариндошимга топшираман; агар хўп десалар, тузукроқ пул бериб ҳовлини олсинлар”, – депти. Бунақа шарт элликбошига албатта хуш ёкиб, дарров ҳовлини ўз баҳосидан анча ортиққа олипти. Хотин бошқа нарсаларини ҳам сотиб тап-тайёр бўлиб турган экан, қайнонаси ва қизини олипти-ю бир кечада зим-ғойиб бўлипти-қолипти. Элликбоши у ёққа от чоптирипти, бу ёққа от чоптирипти – йўқ! Хотин ўз қишлоғига – элликбошининг қўли етмайдиган Найманга кетган экан. У ерда Фармонкул деган бир кишига тегипти.

Аёлнинг бу тадбиркорлиги ўзбек халқ эртақларидаги тадбиркор хотин ҳикоясини ёдга солади. Ўша аёл босмачилар билан отишмада вафот этади. Ҳанифа (Канизак) унинг қизи бўлиб чиқади. Асар охирида Қурбон ота унинг амакиси, Усмон ота дадаси экани маълум бўлади.

Адабиётда қайнона образи ёритилган асарлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Бунда кўпинча қайнона ва келин муносабати ёритилса, Абдулла Қаҳҳор “Қўшчинор чироқлари” асарида куёв ва қайнона муносабатига оид баъзи чизгиларни келтирган. Бунга Сиддиқжоннинг ичкучуёвлиги сабаб бўлади. Зуннунхўжа ўрнидан рўзғорни бошқарадиган қайнонаси қизи Шарофатни тўйгача ихтиёрини қарол Сиддиқжонга топшириб қўйганини асло кечира олмайди. Бунинг учун у қизини тез-тез қарғайди ва унга қўшиб неварасини ҳам камситади. “Э, ўл, итъялоқ! Дайди итнинг тумшуғини ёғ қилмай ўл! Итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни! Кошки ўз бошини ғажиса!” – дейди у. Яна у қизига “Боланг эрингга ўхшамайди» деган эди. Шарофатга онасининг бу гапи жуда алам қилади. Энди “итъялоқ” дейишини ғар ҳам кўтара олмас, тикка юлишар эди. Бироқ унинг тили қисқлиги бунга йўл қўймас эди.

Қайнонаси колхозга кирмоқчи бўлган Сиддиқжонга ўзбек халқ мақоллари асосида: “Уйни уй қилган эрнинг топишию хотиннинг кўрпа иши! Тониши-ку йўқ, бор ерни йўқотадиган эрга тушиб қолган қизим йўқ!” – дея дакки беради. Уни ичкучуёв сифатида камситаверади. Натижада бундай муомала эр-хотиннинг можаросига, “қўйди-чикди” сигача бориб этади. Сиддиқжон “Янгичасига айтганда, мен қизингизни хохламайман, эскичаси керак бўлса – уч талоқ қўйдим!” деб, этагини қоқиб ўрнидан туради-ю, жўнайди. Шарофат сенсираб, “болангни олиб кет” дегани, айниқса, унинг сенсирагани бу уйга боғлаб турган риштани батамом узиб юборади. Сиддиқжон болани беланчакдан олиб, бағрига босганича кўчага чиқиб кетаётганида, Шарофат боласини олиб қолади.

Сиддиқжоннинг онаси Хадича хола умрини хорлик-зорлик тортиб ўтказган ҳамма кишилардай тез қариган, лекин ҳамма қишлоқ қарияларидай кексаликка сўз бермайдиган, ғайратли, тетик, миннатли ошдан беминнат муштни афзал кўрадиган бир кампир бўлиб, бу ерга бир тош мўлроқ келадиган ўз қишлоғи Баҳрободда кичик ўғли Обиджон билан турар эди. Сиддиқжон аввал, аравасоз устага шогирд, ундан кейин бу ерга келиб Собиржонқорига қарол бўлиб юрган вақтларида Хадича хола уни ўз қаноти остида ҳисоблар эди, ўғли Зуннунхўжага ичкучуёв бўлгандан кейин ўрдак тухумини очган товукдай бўлиб қолди, шунинг учун бу ерга жуда кам, йилда бир ёки икки мартагина келар эди.

Романда Зиёдахон опа: “Эркак тортинмайдиган хотинни кўрса албатта бузук деб ўйлайди. Русларда ҳеч, ҳеч ҳам шунақа эмас экан. МТСда рус эркаклар, рус хотинлар бор. Шуларнинг юриш-туришини кўриб кишининг бирам ҳаваси келади” деб, аёлларга туҳмат қилувчиларни қоралайди. У бир кунни қуртга барг кесгани тутга чиққани, аммо қайтиб туша олмай турганида Андрей деган бир тракторчи рус йигити келиб қолиб, тушириб қўйгани қўлини чўзса, тутдан ўзини ташлаб юбориб, оёғи синаёзгани, буни кўрган Андрейнинг бирам аччиғи келгани ҳақида сўзлаб беради.

Романда халқнинг “Хотин, яхши хотин эркак кишининг бўйни. Яхшиликка бурадиган ҳам бўйин, ёмонликка бурадиган ҳам бўйин” мақоли келтирилган.



**Хулоса.** Ги де Мопассан ва Абдулла Қаҳҳор, аввало, ўз миллий адабиётида новелла (ҳикоя) жанрини такомиллаштиришдаги хизматлари билан яқин туришади. Яна ҳар иккала адибнинг танкидий реализм анъаналарига мувофиқ ижод қилиб, асарларида ўзлари мансуб халқнинг миллий ҳаётини, ўз даври кишиларининг турмуши, руҳиятини ўша замон долзарб муаммоларига боғлаб танкидий руҳ билан тасвирлаганлари ҳам ўхшашдир.

Абдулла Қаҳҳорнинг поэтик маҳорати миллий адабиётимиз заминидан ташқари мумтоз рус адабиёти намояндалари – Толстой, Тургенев, Гоголь, Чехов ижодий тажрибалари билан ҳам кўп қиёслаб ўрганилган. Лекин адиб жаҳон адабиётидаги ютуқларни ҳам имкон даражасида ижодий ўзлаштириб, миллий насримизда янги саҳифалар очган. Бу жиҳатдан адиб ҳикоялари билан француз машҳур ҳикоянавис Ги де Мопассаннинг шу жанрдаги асарлари ўртасида айрим ўхшашликлар, типологик белгилар борлиги кўринади. Бундай фикрни уларнинг ҳикояларида аёл тасвири мисолида ҳам айтиш мумкин.

Ги де Мопассан француз Абдулла Қаҳҳор ўзбек халқининг ҳаёти, инсоннинг ички ва руҳий ҳолати тўғрисида ўлмас асарлар яратган адиблардандир. Хусусан, улар яратган ҳикоя ва романлардаги аёллар руҳияти, халқ ҳаётининг маиший, этнографик, иқтисодий ва маънавий манзаралари яққол тасвирида ўзига хосликлар бараварида айрим уйғунликлар борлиги алоҳида эътиборни тортади.

Сўз санъати фақатгина муштарак қонуниятлар асосида иш кўрмайди. Ҳар бир миллий адабиётда алоҳида бир халққа хос руҳият, менталитет, қадрият ва урф-одатлар ўз бадиий ифодасини топади. Агар масалага шу нуқтаи назардан қаралса, Ги де Мопассан ва Абдулла Қаҳҳор адабий қаҳрамонлари, хусусан аёллар образи миллий ранг ҳамда жилоларга эғалиги, ўзбек халқининг ўзигагина хос жиҳатларни бадиий тажассум этганлиги билан ажралиб туради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлари Форумида сўзлаган нутқидан. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. – Тошкент: Тасвир нашриёт уйи, 2021. – Б.52
2. Ги де мопассан. Новеллалар. Тошкент. Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987 й. 642-б.
3. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 5 жилдлик. 1-жилд. Сароб (роман). Ҳикоялар. Тошкент. Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987 й. 261-б.
4. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 5 жилдлик. 3-жилд. Ўтмишдан эртақлар. Қиссалар. Тошкент. Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1988 й. 301-б.
5. Jabborova Malokhat Khamdamovna. THE INFLUENCE OF THE NATIONAL WORLDVIEW ON THE IMAGE OF THE WOMAN IN THE WORKS OF GUY DE MAPUASSANT AND ABDULLA KANHAR”. ELECTRONIC JOURNAL OF ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE, EDUCATION AND TRAINING. APRIL, 2022 - 4. 61-64 бетлар.  
[http://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/7645/4861](http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/7645/4861)
6. Jabbarova M.X. “TWO STORIES-TWO DESTINES”. Австралия, 2021 Journal of Contemporary Issues in Business and Governement Vol.27, N.2,2021. 5559-5569p,  
[http://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/2056](http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2056).
7. Jabbarova M.KH. ”STORY TYPOLOGY” VESTNIK NAUKI I OBRAZOVANIYA №21(99) Chast 2. 2020. 65-67 p.  
<https://cyberleninka.ru/article/n/tipologiya-rasskaza>
8. NARZULLAYEVA, Dilfuza. Theolinguistics in Modern Religious Discourse. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 2023, vol. 30, no 30.
9. BAFOEVNA, Narzullaeva Dilfuza. Theolinguistics in Modern Religious Discourse. INTERNATIONAL JOURNAL OF LANGUAGE LEARNING AND APPLIED LINGUISTICS, 2023, vol. 2, no 3, p. 18-21.

